*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2017 йил
**21 октябрь**
ШАНБА
**№ 86** (13034)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

21 октябрь – Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

## ТИЛ СИЁСАТИ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 4-модда.***



Ўтган аср 80-йилларининг иккинчи ярмида илғор фикрли зиёлилар Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақомини беришни талаб қилиб чиқа бошлашди.

Шу тариқа, 1989 йилнинг 21 октябрида "Давлат тили ҳақида" Қонун қабул қилиниб, унга кўра, Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Аммо, бу Қонун республикада бошқа тилларнинг ривожига ҳеч қандай монелик қилмайди, аксинча, айни ҳужжат бошқа тилларнинг ҳам эмин-эркин равнақ топиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳозир юртимизда 7 тилда умумий ўрта таълим мактаблари мавжуд. Уларнинг ҳаммаси учун ўзимизда дарсликлар яратилаяпти. Мамлакатда истиқомат қилаётган миллатлардан 5 тасининг (ўзбек, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, рус) тилида эса матбуот нашрлари чоп этилади. "Ўзбекистон" телерадиоканалида 7 (ўзбек, тожик, қозоқ, рус, татар, уйғур, қирғиз) тилда кўрсатувлар бериб борилади. Радиоэшиттиришлар олиб бориладиган тиллар сони бундан ҳам кўпроқ. Булардан ташқари, туркман, уйғур, қрим-татар тилларида ҳам эшиттиришлар эфирга узатилади.

Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасида ҳам ўзбек, ҳам қорақалпоқ тили давлат тили ҳисобланади. Ўзбек мактабларида 3 та тил – она тили, рус тили ва битта хорижий тил, рус мактабларида ҳам 3 та тил – она тили, давлат тили ва битта хорижий тил, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман мактабларида эса 4 та тил – она тили, давлат тили, рус тили ва битта хорижий тил давлат таълим стандарти асосида ўргатилади.

1989 йилнинг 21 октябрида "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши амалда тилимиз равнақи учун янги даврни бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида: *"Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади"*, деган нуқтаи назар илгари сурилади. *Чунки: "Она тили – бу миллатнинг руҳидир".*

**Давоми 2-бетда.**

Мурожаатдан сўнг

*Шу кунларда чаноқлардан тўкилай-тўкилай, деб турган лўппи-лўппи пахталарнинг оқлиги, юмшоқлиги гўёки кўнгилларга кўчгандек. Ҳамма далага ошиқади: ахир жимитдеккина чигитнинг туп қўйиб, палак ёзиши, оппоқ пахтага айланиши учун бободеҳқонимиз озмунча тер тўкдими?!*

## МАСЪУЛИЯТЛИ КУНЛАР БАРАКАСИ

– Холидахон, эртага пахта теришга бораяпмиз, юринг сиз ҳам, – дейди ангренлик 65 ёшли Мавлуда опа. – Ана, Динорахон, Ҳалимахон, Дилфузахонлар ҳам кетишаяпти биз билан. Вилоятимиз далаларидаги мўл ҳосилни йиғиб-териб олишга ёрдам бериш керак. Ахир, халқимизнинг ризқ-рўзи нобуд бўлмасин!

– Йиғим-терим бошланган кунданоқ, кўнгиллилар таклиф билан келишди, – дейди Ангрен шаҳар "Чотқол" маҳалласи раиси Муҳаммад Холмирзаев. – Айниқса, "Вилоят ҳокимлиги, фаоллар ва зиёлиларнинг вилоятимиз аҳлига "Мурожаати"ни ўқиб, ғайратимизга ғайрат қўшилди. Аслида, юрагида ўти, Ватан меҳри, билагида кучи, вужудида ғайрати бор ҳар қандай виждонли кишининг ўрни бугун далада бўлиши керак. "Зарбдор 30 кунлик" оммавий ҳашарда "Чотқол" маҳалласи ўрнак бўлмоқда. Ҳар куни эрталаб, 20-30 киши Оққўрғоннинг "Бахмал", "Ўзбекистон мустақиллиги" фермер хўжаликларида пахта теришаяпти.

Ҳақиқатан ҳам, хотин-қизлар, уй бекалари, уюшмаган ёшларнинг ёрдами билан вилоятимизнинг пахта хирмони тобора юксалмоқда. Илиқ-иссиқ кунларни ғанимат билган вилоятимиз аҳли зарбдор 30 куннинг охирини кутмай, барча ҳосилни муддатидан олдин йиғиб-териб олиш ғамида. Улар орасида "Фахрий аёллар", "Ижодкор аёллар" ҳам бахоли қудрат меҳнат қилмоқда.

– Мен серқуёш Ўзбекистоннинг тафтини, одамларининг меҳрини туйиб, умргузаронлик қилиб келмоқдаман, – дейди чирчиқлик Римма Чебоненко. – Ёшим 66 да. Лекин, куч-қувватим бор. Шундай экан, нега энди энг масъулиятли дамларда уйда ўтиришим керак? Қолаверса, қанча-қанча заҳматли меҳнатлар билан етиштирилган, "мени териб ол", деб юзингизга кулиб турган пахталарни териш нақадар завқли. Агар, Ўзбекистонимизнинг, вилоятимизнинг пахта хирмонига оз бўлсада, ўз ҳиссамни қўшолсам, бахтлиман, дея баралла айта олардим...

– Ҳозирги ғанимат кунларни бекор ўтказмай, хирмонга ҳисса қўшиш иштиёқида ёнган юракларни халқ фаровонлиги йўлидаги чироқларга ўхшатгим келади, – дейди Бўстонлиқ тумани фахрий аёллар кенгаши раиси Нурхон Ашурметова. – Вилоятимиз пахтакорлари учун энг масъулиятли кунларда улар билан ёнма-ён, ҳамнафас бўлиш ҳар қандай соғлом фикрли кишининг бурчи, вазифаси.

– Вилоятимиз пахтазорларида иш қизғин, – дейди вилоят ижодкор аёллар уюшмаси раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Зарифа Эралиева. – Айниқса, шанба, якшанба кунлари пахтакорларга "Ҳорманглар, хирмонингизга барака!", деб ёрдамга келаётган ҳашарчилар ташрифи деҳқонларимизга кўтаринки кайфият бағишламоқда. Хусусан, Юқори Чирчиқ тумани пахтазорлари шундай жонкуярлар билан гавжум. Хотин-қизлар, уюшмаган ёшлар, кекса отахону онахонлар фаоллиги туфайли туман пахта хирмони кўкка бўй чўзмоқда.

Ҳа, азиз газетхон, бу гаплар бежиз эмас. Чунки, халқимизнинг ризқ-рўзи, кийим-кечаги учун муҳим ашё – "оқ олтин"нинг қадрини ҳар бир ватандошимиз дилдан ҳис қилади, фахру ифтихор туяди. Зарбдор 30 кунимиз эса, фаровонлик калити меҳнатда эканини, албатта, исботлайди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## ЧАҚИРИҚЛАРГА МУНОСИБ ЖАВОБ БЕРА ОЛАЯПМИЗМИ?

*Ўзбекистон давлат консерваториясида адабиёт, театр ва кино, мусиқа ва тасвирий санъат, журналистика соҳаларига кириб келаётган ёш истеъдод эгалари ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини қарор топтиришга ва унинг мустаҳкамланишига хизмат қилаётган юртимиз ёш ижодкорлари учун семинар бўлиб ўтди.*

Семинар

Хабарингиз бор, шу йилнинг 19 сентябрь куни давлатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлаб, сўнгги пайтларда экстремизм ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаганлар томонидан содир этилаётгани, бугунги дунё ёшлари бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлод ҳисобланиб, айни пайтда уларнинг сони 2 миллиардга етганлиги, сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ эканини таъкидлади. Бу борада бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси тарқалишининг олдини олиш муҳимлиги, бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозимлиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Шунингдек, БМТнинг "Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси"ни ишлаб чиқиш таклифини билдирди. Айни пайтда Президентимиз илгари сурган таклиф дунё ҳамжамияти зиёлилари томонидан эътироф этилиб, уларни мушоҳада қилишга ундамоқда.

– Шу ўринда барчамизда асосли савол туғилади, – дейди маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев. – Президентимизнинг ёшлар борасида жонкуярлик билан билдираётган таклифларига, белгилаб берган вазифаларига, даъватларию чақириқларига биз – санъат ва маданият вакиллари, айниқса, соҳада таълим олаётган ва хизмат қилаётган ёшлар муносиб жавоб бера олаяпмизми? Уларнинг ёнларида кўмакдош ва тиргак бўлаяпмизми?...

Жавобга келганда барчамиз ўйланиб қоламиз. Чунки, ҳалигача айтишга арзигулик амалий иш қилганимиз йўқ! Юртимиздаги маданият ва санъат муассасаларида қулай шарт-шароитлар яратилаётганига қарамасдан, ёшлар ҳаётидаги энг долзарб масалалар, қатор муҳим ишлар талаб даражасида эмаслигини барчамиз яхши англаб турибмиз. Дарҳақиқат, соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар талайгина. Айниқса, ёшларни бўш вақтларини маданият ва санъат муассасаларига жалб этиш ҳозирда зудлик билан кўриб чиқиш зарур бўлган долзарб масаладир.

**Давоми 2-бетда.**

Фармон ва ижро

*Зангиота туманидаги "Истиқлол олмалари" фермер хўжалигида бўлиб ўтган давра суҳбати "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг экин майдонларидан самарали фойдаланиши – бугунги давр талаби" мавзуига бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон ёш фермерлар кенгаши вакиллари, кўп тармоқли фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари, томорқа ер эгалари иштирок этди.*

## ЕРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ – ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Унда таъкидланганидек, аграр соҳада олиб борилган кенг кўламли ислоҳотларга қарамасдан, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ер майдонлари ҳамда томорқа ер участкаларидан самарали фойдаланиш устидан парламент, вакиллик ва жамоатчилик назорати лозим даражада ўрнатилмаган. Фермер хўжаликларининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан чекланиб қолмоқда, улар қайта ишлаш, сақлаш, тайёр маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш каби кўп тармоқли фаолиятини йўлга қўйишда мавжуд имкониятлардан фойдаланишмаяпти.

**Давоми 2-бетда.**

## 30 ТА ОБЪЕКТ ИШГА ТУШИРИЛАДИ

*Давлат рақобат қўмитаси томонидан ўтказилган хатловлар Чиноз тумани ҳудудида аввал хусусийлаштирилган ҳамда бугунги кунда бўш турган 41 та объектлар мавжудлигини кўрсатди.*

Уларнинг жами қурилиш майдони 52,3 минг квадрат метрни, эгаллаган ер майдонлари 48,2 гектарни ташкил этади. Ушбу объектлар қаторига собиқ "Керамзит шағал корхонаси", "Мебель фабрикаси" ва "Чиноз бош пиллахонаси" каби йирик ишлаб чиқариш мажмуалари ҳам киритилган.

Давлат рақобат қўмитасининг маълум қилишича, ҳозирда Чиноз туманидаги бўш объектлардан 30 таси негизида мулкдорлар томонидан янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш таклифи берилган.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

*Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни*

## ЖАҲЛ КЕЛСА, АҚЛ КЕТАР ЭКАН

***Вилоятда бир ҳафта мобайнида 126 та жиноят қайд этилди. Улардан 110 таси "иссиқ изи йўқолмасдан" очилди. Фош этилмаган босқинчилик, талончилик ва 14 та ўғрилик бўйича айбдорларни топиш ва жавобгарликка тортиш борасида барча тергов ва тезкор чоралар кўрилмоқда.***

Ҳафта давомида қидирувда юрган 23 нафар шахс ушланди. Илгари содир этилиб, очилмаган 11 та жиноят фош этилди.

Энди айрим мисолларга ўтсак. Тошкент туманидаги "Ун тушириш ва сақлаш омбори"даги ёлланма ишчи Гулмурод Орзуев (исм-фамилияси ўзгартирилган) маст ҳолда иш жойида ўзаро жанжаллашиб, Дамирбек Жонтоевни чап елка соҳасига пичоқ уриб, тан жароҳати етказади. Натижада, жабрланувчи Тошкент тиббиёт академияси 2-клиник шифохонасининг жонлантириш бўлимига ётқизилган. Ушбу ҳолат юзасидан Гулмурод Орзуевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Пискент тумани ИИБга туман тез тиббий ёрдам бўлимида ишловчи, 1979 йилда туғилган Холида Айтматова ариза билан мурожаат қилади. У номаълум шахс ярим кечаси дераза ойнасини синдириш йўли билан кириб, иш жойидаги хизмат хонасидан унга тегишли умумий нархи тахминан 2 миллион сўм бўлган "Toshiba" русумли компьютер жамланмаси ва 1 дона "Canon" сканерини ўғрилаганини маълум қилган. Олиб борилган тезкор чора-тадбирлар натижасида, ушбу жиноятни Пискент шаҳрида яшовчи 1990 йилда туғилган Шерзод Латипов содир этганлиги аниқланиб, ушланди.

Бекобод шаҳрида яшовчи 1984 йилда туғилган Шердор Назиров бундан 3 йил муқаддам фирибгарлик йўли билан Зикрилла Воситовни ишончини суиистеъмол қилиб, "уйимни сизга сотаман", деб алдаб, ундан 10 минг АҚШ долларини олган ва шу кунга қадар қайтариб бермаган. Ушбу ҳолат юзасидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддаси билан иш қўзғатилди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

**2018 йил учун «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига обуна давом этмоқда!**

Бурч

*Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг барча турларини ривожлантириш, хусусий мулк эгаларини қўллаб-қувватлаш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Бугунги кунда, юртимизда қонунлар ва ҳуқуқий эркинликлар, кенг шароитларга таянган ҳолда ўз бизнесини юритаётган ишбилармонлар фаолиятини кенгайтириш баробарида яхшигина даромадга ҳам эга бўлмоқда.*

# ФЕРМЕР БЎЛСАНГ, МАРД БЎЛ!



Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмагани каби, фермер хўжаликлари орасида солиқларни тўламай, қарздорлиги ортаётганлари ҳам йўқ эмас. Вилоят давлат солиқ хизмати органлари ходимлари Мажбурий ижро бюроси ҳудудий бўлимлари вакиллари билан ҳамкорликда вужудга келган қарздорликларни суд ҳужжатлари асосида ундириш бўйича Қуйи Чирчиқ туманида тадбир ўтказди.

Бу жараёнда тумандаги 37 та фермер хўжалигининг 923,7 миллион сўм солиқ қарзи ҳисобидан қарздорларнинг мол-мулкларини хатлаш тадбирлари ўтказилиб, улардан 17 тасининг 104,5 миллион сўм солиқ қарзи бюджетга ундирилди.

– Фермерлар қишлоқ хўжалиги тармоғининг муҳим бўғини сифатида мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида фаол иштирок этадиган кучдир, – дейди Қуйи Чирчиқ тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи Достон Ортиқбоев. – Шундай бўлса-да, солиқларни тўлашдан бўйин товлаб, давлат ва маҳаллий бюджетга зарар келтиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 120-моддасида солиқ тўловининг белгиланган муддати ўтказиб юборилса, пеня ҳисобланиши, солиқ қарзи мажбурий тартибда суд ижро ҳужжатлари асосида ундириб олиниши белгиланган. Бундай ҳолатда, солиқ тўловчи қўшимча равишда суд харажатларини ҳам тўлайди.

Дарҳақиқат, тўлов кечиктирилган ҳар бир кун солиқ тўловчининг зиёнига ишлайди. Ўз навбатида, тегишли идоралар вакиллари ҳам эртами, кечми эшик тақиллатиб келади. Бир сўз билан айтганда, солиқлардан кечиб юборишга ҳеч кимнинг ваколати йўқ ва бу тўловлар барибир ундирилади.

Аниқ мисолларга тўхталадиган бўлсак, Қуйи Чирчиқ туманидаги тадбир давомида Беруний номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган "Мамат" фермер хўжалигидан тўққиз миллион, "Матқаюм" фермер хўжалигидан эса ўн миллион сўм солиқ қарзи бюджетга ундирилди.

Бундан ташқари, Мажбурий ижро бюроси ходимлари томонидан 584,5 миллион сўм солиқ қарзи мавжуд бўлган йигирма нафар фермернинг мол-мулклари, жумладан, транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги техникалари хатланди. Хусусан, қарздорлигини сўндирмай келаётган "Қаҳрамон Бегали" ва "Ғофур" фермер хўжаликларининг "Лада Приора", "Дамас" автомобили, "Бозоров Бахтиёр" ва "Гулҳаё агро файз" фермер хўжаликларига тегишли "МТЗ-80" тракторлари хатланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасининг "Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги йўриқномаси ишлаб чиқилган. Унда белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, юридик ва жисмоний шахслар томонидан ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадида, профилактик суҳбатлар ўтказиш ҳамда расмий огоҳлантириш хатлари бериш амалиёти йўлга қўйилди.

Қуйи Чирчиқ тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан охирги икки ой ичида жойларда 386 та солиқ тўловчи иштирокида солиқ мажбуриятини бажариш билан боғлиқ профилактик суҳбатлар ўтказилиб, аниқланган ҳуқуқбузарликларга нисбатан расмий огоҳлантиришлар берилди.

Ҳа, бугун қонун устуворлигини таъминлаб фаолият юритаётганлар учун имконияту шароитлар кенг. Лекин, ўз мажбуриятларини тўлиқ англамай, қонун талабларини четлаб ўтишга уринаётган, ўзининг давлат олдидаги бурчини бажаришни пайсалга солаётган, кечиктираётган ёки бундан бош тортаётганлар элу юрт олдида уялиб қолмоқда. Шундай экан, бошимиз эгилиб қолмаслиги учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишни ўрганайлик.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*

Сўраган эдингиз

# ЁҚИЛҒИ СИФАТИ БУЗИЛМАСИН...

*Автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаларида баъзан сифатсиз бензин сотилиши ҳоллари учраб туради. Бундай ҳолатлар учун жавобгарлик кўзда тутилганми?*

*С. АБДУЛЛАЕВ,*
*Ангрен шаҳри.*

Энергия ресурслари халқимизнинг асосий бойликларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда энергия ресурслари, хусусан, нефть ва газ маҳсулотларидан оқилона ва самарали фойдаланишнинг яхлит тизими яратилган ва бу амалдаги қонун ҳамда қонуности ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикасининг "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг "Автоёқилғи қуйиш шахобчаларининг ишлаш қоидалари тўғрисида"ги қарори ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар мазкур соҳа фаолиятини қатъий тартибга солади.

Ҳужжатларга мувофиқ, ишлаб чиқарувчи, таъминотчи корхоналар, шу билан бирга, ёқилғи қуйиш шахобчалари ўрнатилган тартиб ва қоидаларга сўзсиз амал қилишлари шарт. Нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш, сақлаш, ҳисобга олиш ва беришнинг белгиланган тамойиллари бузилишига йўл қўйган шахслар маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Айни пайтда, маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари бузилган, самарадорлик кўрсаткичлари меъёрий талабларга мувофиқ бўлмаган маҳсулот тайёрланишига йўл қўйилган, бу жараёнда муайян сертификатга эга бўлмаган энергетика асбоб-ускуналаридан фойдаланилган ҳолатларда айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар. Нефть маҳсулотларини сотиш, ташиш, сақлаш, ҳисобга олиш, маркалаш, хавфсизлик қоидалари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши каби муҳим жиҳатлар устидан қатъий назорат ўрнатилган бўлиб, мазкур ҳолатлар юзасидан камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда, юридик шахсларга нисбатан жазо чоралари кўзда тутилган.

**Умиджон ТЎЛАЕВ,**
**"Ўздавнефтгазинспекция" ҳудудий бўлими бош технологи.**

# КИМГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?

*– Яқинда пенсияга чиқишим керак. Лекин ҳужжат ишларида баъзи муаммоларга дуч келаяпман. Олдинги ишлаган корхоналар ёпилиб кетгани учун маълумотномаларни тўплашга қийналаяпман. Бу борада кимга мурожаат этишим мумкин?*

*Адҳам МУСАЖОНОВ,*
*Тошкент вилояти.*

– Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, мажбурий ижтимоий кафолатларни таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий ҳимоясини ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш чоралари белгиланган.

Шунга кўра, Ҳаракатлар стратегиясининг 2-йўналишида судлар олдига, фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, бузилган ҳуқуқларни тиклашнинг барча зарур чораларини кўриш, фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш, айнан аҳолининг эҳтиёжманд қатламларининг ижтимоий ҳимояси ҳамда кексалар ва имконияти чекланган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватланишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш вазифалари қўйилган.

Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича судлар фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддаси билан кафолатланган – ҳар кимнинг қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олишга амалий ёрдам бериб келмоқда.

Ҳозирги кунда пенсия тайинланиши учун зарур бўлган маълумотлар фуқароларда ва архивларда сақланмаганлиги, айрим масъул корхона-ташкилотларнинг эса тугаб кетганлиги туфайли суд аралашувисиз ҳал этиб бўлмайдиган меҳнат фаолияти даврлари, суғурта бадаллари тўланганлик ҳолатлари, баъзан фуқароларнинг исм-шарифида хато билан ёзилган ҳужжатларнинг муайян шахсга тегишли эканлиги ҳақидаги фактлар судлар томонидан алоҳида иш юритиш тартибида кўрилиб, ҳуқуқларини тиклашда катта аҳамият касб этмоқда.

Бу борада ягона амалиёт Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсати қарорларининг кўрсатмалари, яъни:

иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, меҳнат фаолияти даврларини, шунингдек, иш берувчи томонидан ходимларнинг айрим тоифалари учун белгиланган имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи иш ўрни аттестациядан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумот тақдим этиш имконияти мавжуд бўлмаганда, ходимнинг ушбу меҳнат фаолияти билан шуғулланганлик фактини белгилашда ҳақли эканлиги ҳақидаги;

меҳнат дафтарчасига эга бўлган пенсионер иш стажини тасдиқлаб бериш ҳақида судга мурожаат қилган тақдирда, меҳнат дафтарчаси ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат бўлганлиги сабабли фуқаролик иши судга тааллуқли бўлмаганлиги учун Фуқаролик процессуал кодекси 100-моддасининг 1-бандига асосан иш юритишдан тугатиб, ўз ўрнида Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига нисбатан хусусий ажрим чиқариш орқали муносабат билдирилиши ҳақидаги кўрсатмалари ҳам айнан фуқароларнинг пенсия тайинлашдаги муаммоларини тўғри ва қонуний ҳал этишга хизмат қилади.

Шунингдек, бугунги кунда туғилган зарурат ва эҳтиёждан келиб чиқиб, айнан пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида махсус "Пенсия таъминоти билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги бу масалага нечоғли жиддий эътибор берилаётганлигини англатади. Бу эса келгусида пенсия таъминоти билан боғлиқ ишларнинг судлар томонидан янада тез ва сифатли кўрилиб, ҳал этилишини таъминлаши шубҳасиз.

**Саволга фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг судьяси Нодира ҲАКИМОВА жавоб берди.**

Реклама ва эълонлар

ИШГА МАРҲАМАТ!
«DINARA TOUR SERVICE»
сайёҳлик фирмаси
сотув агентларини
ишга таклиф этади.
**Мурожаат учун телефон:**
**(+99890) 606-79-72.**

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳокимликнинг ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи Акром Эшонқуловга волидаи муҳтарамаси

**МАҲКАМОЙ** аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ва "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдоларига Давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 17 октябрдаги 01/06-1-3483-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Паркент тумани, Навоий кўчасида жойлашган нотураржой биноси. Умумий ер майдони – 0,0037 Га, қурилиш ости майдони 36,58 кв.метр, бошланғич нархи – 218 006 000 сўм. Закалат миқдори – 32 701 000 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент вилояти бош бекатлар ва йўловчи шоҳбекатлари ИЧДК.

Фаолият ихтисоси: хизмат кўрсатиш.

2. Паркент тумани, "Самсарак-Навбаҳор" МФЙ, Навбаҳор қўрғони ҳудудида жойлашган тегирмон биноси. Умумий ер майдони – 0,0154 Га, қурилиш ости майдони 153,9 кв.метр, бошланғич нархи – 165 832 000 сўм. Закалат миқдори – 24 874 800 сўм.

Балансда сақловчи: "Навбаҳор" МФЙ.

Фаолият ихтисоси: ижтимоий соҳа.

3. Паркент тумани, Чанги ҚФЙ ҳудудида жойлашган қозонхона биноси. Умумий ер майдони – 0,173 Га, қурилиш ости майдони 97,24 кв.метр, бошланғич нархи – 132 703 000 сўм. Закалат миқдори – 20 805 000 сўм.

Балансда сақловчи: "Физикақуёш" ИИЧБ.

Фаолият ихтисоси: коммунал соҳа.

Аукцион савдоси 2017 йил 21 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй манзилида ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаса, такрорий савдолар 2017 йилнинг 7 декабрь, 22 декабрь кунлари ҳамда 2018 йилнинг 8 январь, 23 январь, 7 февраль, 22 февраль, 9 март, 26 март, 10 апрель, 25 апрель, 10 май кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳ/р: 20208000404920609021, МФО 01036, ИНН 207122519 га закалат пулини тўлашлари лозим.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва савдо бошланишидан уч соат олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: (0371) 228-84-48, (0597) 701-14-62. Веб сайт: www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR 0001.

**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ва "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдоларига Давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2017 йил 17 октябрдаги 01/06-1-3482-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зафаробод ҚФЙ ҳудудида жойлашган омборхона. Умумий ер майдони – 0,12 Га, қурилиш ости майдони 688,07 кв.метр, бошланғич нархи – 555 300 000 сўм. Закалат миқдори – 83 295 000 сўм.

Балансда сақловчи: Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик ИТИ.

Фаолият ихтисоси: илмий-тадқиқот.

2. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, "Аҳил" маҳалласи, Самарқанд кўчасида жойлашган 2 та эски устахона биноси, ёрдамчи бино (бостирмаси билан). Умумий ер майдони – 0,23 Га, қурилиш ости майдони 381,8 кв.метр, бошланғич нархи – 345 594 000 сўм. Закалат миқдори – 51 839 100 сўм.

Балансда сақловчи: Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш ИТИ.

Фаолият ихтисоси: илмий-тадқиқот.

3. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, "Аҳил" маҳалласи ҳудудида жойлашган агротехника биноси. Умумий ер майдони – 0,08 Га, қурилиш ости майдони 167,0 кв.метр, бошланғич нархи – 161 163 000 сўм. Закалат миқдори – 24 174 450 сўм.

Балансда сақловчи: Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш ИТИ.

Фаолият ихтисоси: илмий тадқиқот.

4. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, "Аҳил" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Намойишлар саройи" биноси (бостирмалар ва қоровулхонаси билан). Умумий ер майдони – 1,179 Га, қурилиш ости майдони 2241,3 кв.метр, бошланғич нархи – 2 317 620 508 сўм. Закалат миқдори – 347 643 077 сўм.

Балансда сақловчи: Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш ИТИ.

Фаолият ихтисоси: илмий-тадқиқот.

5. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, "Аҳил" маҳалласи ҳудудида жойлашган собиқ болалар боғчаси биноси (гаражи билан). Умумий ер майдони – 0,33 Га, қурилиш ости майдони 547,1 кв.метр, бошланғич нархи – 553 000 000 сўм. Закалат миқдори – 82 950 000 сўм.

Балансда сақловчи: Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш ИТИ.

Фаолият ихтисоси: илмий-тадқиқот.

6. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, "Аҳил" маҳалласи ҳудудида жойлашган трактор паркининг омборхона биноси (бостирмаси билан). Умумий ер майдони – 1,27 Га, қурилиш ости майдони 2005,2 кв.метр, бошланғич нархи – 2 166 456 300 сўм. Закалат миқдори – 324 968 445 сўм.

Балансда сақловчи: Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш ИТИ.

Фаолият ихтисоси: илмий-тадқиқот.

7. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зафаробод ҚФЙ ҳудудида жойлашган 2 қаватли маъмурий бино (бостирмаси билан). Умумий ер майдони – 0,103 Га, қурилиш ости майдони 276,93 кв.метр, бошланғич нархи – 716 400 000 сўм. Закалат миқдори – 107 460 000 сўм.

Балансда сақловчи: Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик ИТИ.

Фаолият ихтисоси: илмий-тадқиқот.

8. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зафаробод ҚФЙ ҳудудида жойлашган 3 қаватли лаборатория биноси (ертўла ва бостирмаси билан). Умумий ер майдони – 0,444 Га, қурилиш ости майдони 1760,12 кв.метр, бошланғич нархи – 4 231 463 200 сўм. Закалат миқдори – 634 719 480 сўм.

Балансда сақловчи: Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик ИТИ.

Фаолият ихтисоси: илмий-тадқиқот.

9. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зафаробод ҚФЙ ҳудудида жойлашган қуракхона биноси. Умумий ер майдони – 0,686 Га, қурилиш ости майдони 546,91 кв.метр, бошланғич нархи – 4 231 463 200 сўм. Закалат миқдори – 634 719 480 сўм.

Балансда сақловчи: Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик ИТИ.

Фаолият ихтисоси: илмий-тадқиқот.

Аукцион савдоси 2017 йил 22 ноябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй манзилида ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаса, такрорий савдолар 2017 йилнинг 7 декабрь, 22 декабрь кунлари ҳамда 2018 йилнинг 8 январь, 23 январь, 7 февраль, 22 февраль, 9 март, 26 март, 10 апрель, 25 апрель, 10 май кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай, олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳ/р: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519 га закалат пулини тўлашлари лозим.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва савдо бошланишидан уч соат олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел./факс: (0-371) 228-84-48, 228-80-26. Веб сайт: www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR 0001.

Тафаккур қаноти

# КИТОБ – МАЪНАВИЙ ҚУВВАТ

*Китоб – инсоннинг энг яқин дўсти, ақл қайроғи ва билим манбаидир. Шунинг учун ҳам китобга муҳаббат, уни қадрлаш, ўқишга иштиёқ халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Кишининг маданияти унинг китобхонлигида акс этади. Афсуски, бугунги кунда китоб ўқиш ва унга муносабат бир қадар сусайгандек. Чунки, ёшлар кўпроқ кино, видео, интернет тармоқларига берилиб кетди.*

Компьютер деярли барча хонадонларга кириб борган. Исталган янгилигу ахборотларни бу воситалардан хоҳлаганча олиш мумкин. Айримлар назарида, бугун китоб ўқиш учун вақт сарфлашга ҳожат йўқдек. Аслида, ҳеч бир ахборот воситаси, кино ёки видеофильм бадиий асар ўрнини босолмайди.

Хўш, биз инсонлар маънавий озуқани қаердан оламиз? Албатта, "билимлар манбаи" бўлмиш китобдан. Шу ўринда, телевидение ва радио, замонавий компьютерлар имконияти ва афзалликларини инкор қилмаган ҳолда айтиш мумкинки, буларнинг ҳеч бири китобнинг ўрнини боса олмайди.



Китоб – бу офтоб, у билимлар сарчашмасидир. Китобни инсон тафаккурининг қанотларига ўхшатишган. Зеро, тафаккури, фикр доираси кенг, маърифатли кишилар жамиятнинг чинакам бойлигидир. Аксинча, ҳаётда рўй бериб турадиган айрим нохушликлар илдизи эса маърифатсизлик, китоб ўқимасликнинг аччиқ меваси. Темирни занг кемирганидек, одамни ҳам маънавиятсизлик мўрт қилади. Маънавият эса инсонга китоб ўқиш орқали юқади. Ҳар қандай янгилик ҳам бир кун эскиради, бироқ инсониятнинг минг-минг йиллар давомида қўлга киритган ақлий ҳамда фикрий дурдоналарини ўзида жамлаган китоблар бундан мустасно. Бинобарин, китоб – ҳамиша илм-маърифат, одоб ва ахлоқ манбаи бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда китобдан кўра қудратлироқ восита йўқ. Шунинг учун ҳам оилада, боғча ва мактабларда болаларнинг китобга меҳрини, адабиётга қизиқишини ошириш ота-оналар, ўқитувчиларнинг вазифасидир.

Атоқли адибимиз Ойбекнинг таърифича, китоб – тафаккурнинг толмас қанотларидир. Биз шунга эришишимиз керакки, фарзандларимиз учун китоб энг бебаҳо совға бўлсин. Шундагина ўғил-қизларимиз биз орзу қилгандай, маънавий етук, теран фикрлай оладиган, Ватанига содиқ, олижаноб инсонлар бўлиб камол топадилар.

**Одилжон НАРЗУЛЛАЕВ,**
**Янгийўл тумани "Жоме" масжиди имом-хатиби.**

Табиатнинг ўзи табиб

*Мамлакатимизнинг ўзига хос мўътадил табиати инсон саломатлигига ижобий таъсир этувчи неъматларга бойлиги билан ҳам қадрланади. Хусусан, дўлана ўзининг шифобахш хусусиятлари билан ҳам маълуму машҳурдир.*

# ДЎЛАНА – МИСЛИ ШИФОХОНА

Октябрь ойи бу меванинг айни ғарқ пишган палласи ҳисобланади. Мутахассислар дўлана меваси таркибида 20 фоиз қанд, 8 фоиз ёғ, С витамини, органик кислоталар мавжудлигини аниқлашган. Дўлананинг шифобахш хусусиятлари шу қадар кўпки, қадимдан барги, гули ва мевасидан халқ табобатида кенг фойдаланилади. Жисмоний ва руҳий толиқишга, уйқусизликка даво сифатида ишлатилган. Тиббиёт тарихида ўчмас из қолдирган Абу Али ибн Сино дўлана мевасини иштаҳа очувчи, ич сурилишини тўхтатувчи восита сифатида қўллаган.

Замонавий тиббиётда дўлананинг спиртли настойкаси ва экстрактини шифокорлар қон томирларининг функционал касалликлари, юрак фаолиятининг бузилиши, қон босимининг ошиши, юқумли касалликлар туфайли беморлар юрагининг қувватсизланишида ичишни тавсия қилади. Дўлана кардиовален препарати таркибига киргани боис, юрак мушакларининг қисқаришини яхшилайди, унинг безовталаниши, қон таркибидаги холестеринни камайтиради.

"Тоққа чиқмасанг дўлана қайда?", деганларидек, бу неъмат асосан денгиз сатҳидан 1000-1500 метр баландликда, тоғли ҳудудларда учрайди. Дарахтининг бўйи 4-10 метр бўлади. Унинг 900 га яқин тури бор. Юртимизда дўлананинг ўндан зиёд тури ўсади.

Маълумотларга қараганда, дўлана вилоятимизнинг Бўстонлиқ зонасида, Бурчмулла ва Чирчиқ ўрмон хўжалигидаги кенг майдонларда кўп миқдорда бор. Шунингдек, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах ҳамда Навоий вилоятларининг тоғ ва тоғолди ҳудудларида кичик дўлазорлар ҳам мавжуд.

**Ўз мухбиримиз.**

Спорт хабарлари

**Хорватиянинг Загреб шаҳрида дзюдо бўйича ёшлар ўртасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида вилоятимиз вакили Артём Штурбабин Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига биринчи кумуш медални қўшди.**

## ПОЛВОНИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ШОҲСУПАСИДА

Бу галги жаҳон чемпионатида дунёнинг саксондан зиёд мамлакатидан энг истеъдодли олти юз нафарга яқин дзюдочи ғолиблик учун куч синашмоқда. Мусобақада юртимиз шарафини жами ўн тўрт нафар спортчи ҳимоя қилаётир.



Вазни 66 килограммгача бўлган дзюдочилар баҳсида чирчиқлик Артём Штурбабин мухлису мутахассислар ишончини оқлади. У кучли рақиблар – америкалик Куинтин Кук, тожикистонлик Муҳаммадраҳим Сарахонов, италиялик Мануэль Ломбардо ва озарбайжонлик Яқуб Жавадовни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди.

Артём жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган ҳал қилувчи беллашувда бразилиялик Даниэль Каргнингга кичик ҳисобда имкониятни бой берди ва кумуш медаль билан кифояланди.

**Ўз мухбиримиз.**

## ҒАЛАБА КУЧЛИЛАР ТАРАФДА

**Пойтахтимиздаги "Шифокор" стадионида 17 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.**

Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳамда Республика енгил атлетика федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган тўрт юз қирқ нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Енгил атлетика бўйича республика ва халқаро мусобақаларда юқори натижаларни қайд этиб келаётган вилоятимиз вакили Жавоҳир Зокирхўжаев бу гал ҳам ўзини кўрсатди. 110 метрга тўсиқлар оша югуриш баҳсларида олмалиқлик спринтер маррага биринчи келди. Иккинчи ўринни унинг жамоадоши Ислом Абдумўминов эгаллади.

Шунингдек, ўсмирлар ўртасида турли масофаларга югуришда Александр Нувальцев битта олтин, Жамшид Абдуқаюмов эса биттадан олтин ва бронза медалга сазовор бўлди. Узунликка ва уч ҳатлаб сакраш беллашувларида Дониёр Қўчқоров бир жуфт кумуш медални қўлга киритди. Баландликка сакрашда эса 185 сантиметр натижа қайд этган Данил Карлга етадигани топилмади. Ядро улоқтириш бўйича Константин Лелюх иккинчи бўлди.

Енгил атлетиканинг оғир синови – ўн километрга спортча юришда Чирчиқ олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Жалол Ҳошимов маррага иккинчи келди.

43-маротаба ташкил этилган мамлакат биринчилигида вилоятимизнинг енгил атлетикачи қизлари – Фариза Абдувалиева, Ольга Шлентова, Ширин Мамедова ҳам шоҳсупага кўтарилди.

Турли масофаларга ўтказилган эстафеталарда Тошкент вилояти спортчилари битта кумуш ва иккита бронза медалга эга чиқди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Бу – қизиқ

## ЭЛАСТИК ЕЛИМ – ДАРДГА МАЛҲАМ

Австралиянинг Сидней университети олимлари ўта эластик оқсиллардан таркиб топган махсус тиббиёт елимини яратди. Тадқиқотчилар томонидан "MeTro", деб номланган бу восита ёрдамида инсон танасидаги жароҳатлар, ҳатто ўпкадаги яраларни ҳам елимласа бўлади. У ҳар қандай яранинг битишини тезлаштиради.

Маълумотларга қараганда, елим таркибидаги оқсиллар ультрабинафша нурлари таъсирида жуда қайишқоқ ва мустаҳкам материалга айланади. "MeTro" ярага сепилгач, бир дақиқа ичида уни тўлиқ қамраб олади. Секин, аста сўрилади ва узилган тўқималарни тиклаб, уларни улайди. Бу елим қўлланилса, бугунги кунда тиббиётда кенг фойдаланилаётган чоклар ва металл симлардан воз кечиш мумкин.

– "MeTro" елимининг қулайлиги шундаки, у ярага сепилгач, тўқималар билан реакцияга киришади ва суюқлик фазасини четлаб ўтиб, дарҳол гель ҳосил қилади, – дейди тадқиқотчи олим Насим Ан-Набий. – Маҳсулот мутлақо зарарсиз ва ишлатиш учун жуда қулайдир.

Олимлар елимни ҳайвонларда синаб кўрди. Унинг самараси мутахассисларга маъқул келди.

**Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.**

Мулоҳаза учун мавзу

# «ВИСОЛ ОҚШОМИГА ТАКЛИФ ЭТАМАН...»




– Қалай чиқибди? – сўради Зарифжон таклифномани онасига ўқиб бераркан.

– Яхши, келинимга ёқса бўлди-да, – деди она ўғлининг хурсандлигидан қувониб.

– Айтгандай, – гапида давом этди она. – Дугоналаригачи? Уларга қанақасидан буюртма қилдинг?

– Сал арзонроғидан, – жавоб берди Зарифжон.

– Ия, бор-йўғи ўнтагина дугонаси бўлса, "шўрва кетса кетсин, обрў кетмасин!", дурустроғидан "заказ" қил. Қудаларимиз нозик одамлар, уларга қимматидан танла. Амма, холаларинг хафа бўлишмасин. Гапимдагиларгаям тузукроғи бўлсин.

– Хўп, хўп ойи, барини инобатга оламан. Ҳали синфдош, курсдошларим бор...

– Улар оиламизни яхши билишади, шунга қараб иш қил. Дўстларинг уят қилишмасин-да. Қўшниларга ҳам энг чиройли, энг зўридан айт. Ахир, биттагина ўғлимни уйлантираяпман. Тўхта, дадангни ишхонаси эсдан чиқибди-ку...

Шундай қилиб, онаю ўғил тўйга таклиф этиладиганлар рўйхатини тузишди. Уларни гуруҳларга ажратиб, бериладиган таклифномалар турини келишиб олишди.

– Нари борса, 4 миллион сўм кетаркан, – деди Вазирахон ўғлига.

– Сенга айтиш осон-а? "Бели оғримаганни нон ейишини кўр", деганлари бекорга эмас экан, – деди аёлининг гапини эшитган эр.

– Келинга таклифнома? Бу нима деган гап? Висол оқшомига таклиф этаман эмиш. Ўғлим, бу гапни ёзиб, бировга бериш уят эмасми? Ахир, висол оқшоми... Ҳеч бўлмаса, тўй маросимимизга таклиф қиламиз, деб ёздирмайсизларми? Э, таклифномачиларингдан ўргилдим, – бир нималар деб ўзига-ўзи гапирди у.

– Нима, шу қоғоз берилмаса, тўйга ҳеч ким келмайдими? Арзимаган нарсага шунча пул сарфлаш шартми?

– Вой дадаси, одамлар нима дейди? Кимсан Азизбой якка-ю ёлғиз ўғлининг тўйига таклифнома бермади, дейишмайдими?

– Калта ўйлама хотин, мени шусиз ҳам ҳамма яхши билади.

– Шуни айтаманда, кўриб қўйишсин, дўст бор, душман бор.

– Ҳаммага бир хил оддийгинаси бўлаверади.

– Бекорларни айтибсиз...

Ростини айтганда, тўйларимиздаги машмашалар кўпинча аёлларимиз ўйлаб топган "янгиликлар" сабабли келиб чиқади. Бироқ, буни ўзлари ҳеч тан олгилари келмайди. Аввал, тўйхона, тўй дастурхони, таклифнома, кейин санъаткорлар, тўйхонани безатиш ташвиши, булар гул отиш, торт кесиш каби маросимларга уланиб кетаверади. Тўй арафасидаги "сарпо ёйдиларнику" айтмаса ҳам бўлади. Қўни-қўшни йиғилиб, келиннинг кийим-кечаклари, зеб-зийнатларини томоша қилади. Бу бўлғуси қайноналарда "ким ўзарлик" кайфиятини уйғотиши аниқ.

Икки йил аввал қўшнимиз тўнғичини уйлантирди. Келинига олганларини мақтаниб кўрсатганлари ёдимда. Оёқ кийимларигача чет элники.

Орадан фурсат ўтиб, эр-хотиннинг ишлари чаппа кетди...

Ҳозир унинг ҳасратидан чанг чиқади. Бўйи етган қизи бор. Уни узатиши, кенжасини уйлантириб, каттасини уйли қилиши керак. "Бор пулимни ҳавога совурган эканман, ўшанда уй олганимда, фарзандларимни ўқитганимда, бу аҳволга тушмаган бўлардим", деб афсусланади.

Хўш, бу борада вилоятимизда аҳвол қандай? Тўйлар қандай ташкиллаштирилиб, қай тарзда ўтказилаяпти? Қизиқиб, шаҳар, туманларда бўлдик.

Олмалиқ шаҳридаги "Космос" тўйхонаси. Тўйхонага қўшимча гуллар билан безак берилмаган. Дастурхон чиройли, қази-қарта бўлмаса-да, нозу-неъматлар билан тўлган. Муҳими, нозик дид билан безатилган. Меҳмонлар кўпи билан 300 киши.

– Қудам билан келишиб, келинсалом, чарлар, қуда чақириқ маросимларини қилмадик, – дейди тўй эгаси Баҳринисо опа Анарқулова. – Қудаларнинг бир-бирига ҳурмати тўн билан ўлчанмайди. Шунинг учун "тўн кийгизиш" ҳам бўлмади. Келин-куёв сарполари ҳам саноқли. Тўғри-да, қолганларини ўзлари ишлаб олаверадилар.

– Тўй-ҳашам, тантаналар, маърака ва бошқа оилавий маросимларни ихчамлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиққанмиз, – деди Олмалиқ шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири Дилноза Алимова. – Тиббий кўрикнинг икки ёш ҳаётида нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, ёшларнинг кўрикдан тўлиқ ўтишларига эътибор қаратамиз. Бундан ташқари, никоҳланувчиларга ёшлар маънавияти ва психологиясига оид китоблар совға қилишни йўлга қўйдик.



Тўйни бошдан-охир кузатарканмиз, вилоятимизда тўйлардаги ортиқча дабдабабозлик ва исрофгарчиликка чек қўйиш борасидаги ишлар ўз самарасини бераётганига амин бўлдик.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.*

*«Тошкент ҳақиқати» газетасининг навбатдаги сони 28 октябрда чиқади.*

Чоршанба – ёнғинлар профилактикаси куни

## 101 ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Вилоятимиз ҳудудида 9-15 октябрь кунлари содир бўлган ёнғинлардан 16 таси аҳоли уйларига тўғри келди. Ёнғин сабаблари ўрганилганда, 14 таси электр симларининг қисқа туташуви, 4 таси болалар шўхлиги, 10 таси оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида содир бўлгани аниқланди.*



Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси "Ёнғинлар профилактикаси куни", деб белгилангани муносабати билан, эндиликда соҳа ходимлари томонидан аҳоли ва ташкилотлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш тўғрисида учрашув ва тушунтириш ишлари янада кенг кўламда ўтказилмоқда.

Ҳурматли фуқаролар!

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг. Зеро, хотиржамлигимиз ўз қўлимизда эканлигини унутмайлик.

**Тошкент вилояти ИИБ ЁХБ.**

## ДОИМО ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК!

*Бугунги кунда ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтирган ҳолда, уларга риоя этиш, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган тадбирлар мунтазам олиб борилмоқда.*

Аслида, тилсиз ёв билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" шиори ҳар бир фуқаро, оила, корхона ва муассаса жамоасига тааллуқли. Аҳолига ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш борасида, чунончи, очиқ алангадан фойдаланаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ жиҳозларини доимо соз ҳолда тутиш, қўлбола тайёрланган асбоблардан фойдаланмаслик зарурлигини эслатиб ўтамиз.

Ушбу қоидаларга ҳар доим риоя қилиб борилса, йиллаб тўпланган мол-мулк, уй-жой, қолаверса, ҳар бир фуқаро ўзи ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади. Шундай экан, ҳамиша фарзандларимиздан насиҳатимизни, ҳаёт учун керакли сабоқларимизни аямаслигимиз лозим.

Сир эмаски, ёнғинлар инсонлар ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Кўнгилсизликларни олдини олиш мақсадида барчани доимо ҳушёрликка, огоҳликка чақирамиз.

**Азизжон АЗИМОВ,**
**ёнғин хавфсизлиги инспектори.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-79-96
Бўлим муҳаррирлари 233-12-83, 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма V-298. Адади 6 899. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.30.